



MILLIY TIKLANISH

27 (348)

2015 йил 8 июль, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Қашқадарё вилоятидаги Аланг қишлоғи аҳолиси партия кўмагида сифатли тиббий хизматдан фойдаланмоқда

2013 йилда партия Навоий вилоят кенгаши таркибида 444 БПТ фаолият кўрсатган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 500 тани ташкил этмоқда

Сессия қарорида тегишли мутасадди идоралар ва мансabdор шахслар зиммасига аниқ вазифалар юклатилди

Ташриф самарали бўлди

Мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модди Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев хамроҳлигида 7 июль куни пойтахтимиздаги Шастри майдонида ташриф буюрди.

Олий мартабали меҳмон Ҳиндистоннинг етук сиёсат ва давлат арбоби Лаъл Баҳодур Шастри ҳайкали пойига гул қўйди.

Ҳиндистон халқи Ўзбекистонга, халқимизга ҳамisha юксак эҳтиром билан қараб келади. 1966 йилнинг январидан ушунга қадар Ҳиндистон Бош вазири бўлган Лаъл Баҳодур Шастри Тошкентга келган. Пойтахтимизда Шастри номидаги Ҳиндистон маданият маркази ва ҳинд тилини ўрганишга ихтисослашган умумтаълим мактаби фаолият кўрсатмоқда.

Нарендра Модди Ўзбекистонда Шастри хотирасига бунёд этилган ёдгорлик мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик муносабатларининг ифодаси эканлигини таъкидлади.

Олий мартабали меҳмон Мустақиллик майдонида ташриф буюрди ва хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Ҳиндистон Бош вазири Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан бунёд этилган бу монумент Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсатини, халқимизнинг бунёдкорлик ва фаровонлик йўлидаги эзгу интилишларини акс эттирувчи ноёб мажмуа эканлигини алоҳида таъкидлади.

— Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритмоқда. Мустақиллик ва эзгулик монументи ўзининг теран ва кенг маъно-мазмун билан ана шу тараққиётнинг юксак рамзи сифатида ҳар бир кишида катта таассурот уйғотади. Бу бетақдор обидани тинчлик, эзгулик ва фаровонликни тарғиб қилишда, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини намоён этишда ва буюк келажакка ишончини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга, — деди Нарендра Модди.

Шу билан Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моддининг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди. Ҳиндистон Бош вазири Ўзбекистонга ташрифи гоят самарали бўлганини алоҳида таъкидлади.

Ўза

Миллий гурур

Мустақиллик халқимизга эркин ва фаровон ҳаёт, тинч ва осуда турмуш, ёрқин келажак инъом этди. Тарих учун қисқа муддат ҳисобланган 24 йил мобайнида мамлакатимизда инсон манфаатларига хизмат қилувчи кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. "Ислохот — ислохот учун эмас, аввало, инсон учун" деган эзгу ғоя қалбларга, кундалик ҳаётимизга кўчди.



Истиқлол ва ёруғ келажак тимсоли

ЎзМТДП Марказий кенгашида ўтган тадбир ёшларда давлат рамзларига ҳурмат туйғусини янада кучайтириш мақсадида ташкил этилди

Истиқлол қаддимиз ва қадримизни тиклаш баробарида халқимиз маънавияти, онгу тафаккурини юксалтириш, ёш авлод қалбидан ўзликни англаш, миллий гурур ва ифтихор туйғуларини, эзгу фазилатларни камол топтириш борасида кенг имкониятлар яратди. Халқимиз маънавий мероси, миллий қадриятлари, орзу-умидлари, эзгу интилишлари муҳасса бўлган, ҳар бир фуқаронинг тақдир, бахти ифодаланган, юртимизнинг ободлиги акс этган давлат рамзлари ҳам муқаддас тимсол сифатида маънавий ҳаётимиздан мустаҳкам жой олди.

> 2-бет.



Ушбу сонда:

Фонограммадан воз кечиш мумкин...ми?

Музыкада ижро ва талқин деган тушунчалар бор. Бугунги хонандаларнинг аксарияти ижро этади, яъни шунчаки нотани ўқиб беради. Талқин эса бутунлай бошқача бўлади. Битта кўшиқ ёки ашулани турлича талқинда ижро қилиш мумкин.



> 5-бет.

Маҳаллалар фаолияти самарадорлигини ошириш

бу жараёнда ЎзМТДП фракцияси фаол иштирок этмоқда

> 4-бет.

Ўрмон ёнғинлари унга ким ва нима сабаб?



> 7-бет.

"Юксак маънавиятли авлод" фестивали доирасида ўтказилган кўрик-танловларда ёшлар ўз иқтидорини намоён этди



> 8-бет.

Электорат минбари

Ёшлар маънавий камолоти

фаолиятимиз бош мезони

Бугун талаба-ёшлар орасида мустақил ҳаётга дадил қадамлар билан кириб келаётган, ўз кучи, билими ва салоҳиятига ишонган, буюк келажакни барпо этишга қодир, дунёқараш кенг, фикри теран йиғит-қизлар кўп. Бу юртимизда баркамол авлодга таянадиган эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида мустаҳкам пойдевор яратилганидан далолат.

Ёшларнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқариш, қалби ва онгида юртга муҳаббат ва садоқат туйғусини кучайтириш, маънавиятини юксалтириш, уларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш масалалари ҳам доимий эътиборда. Бу, айниқса, миллий истиқлол ғояси, маънавият асослари, сиёсатшунослик фанларидан сабоқ берувчи мен каби ўқитувчи учун жуда муҳим.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурий мақсадлари, сайловли Длатформасида илгари сурилган вазифаларнинг амалий фаолиятим билан бевосита уйғунлиги унинг аъзоси сифатида менга ҳам гурур бағишлайди, ҳам катта масъулият ўқийди. Шу боис ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши ўтказаятган тадбирлар, амалга ошираётган лойиҳаларда талабалар билан бирга мунтазам иштирок этишга ҳаракат қиламан. Айниқса, "Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар — ёшлар нигоҳида" республика кўрик-танлови, "Юртим тарихини ўрганаман" шиори

остидаги "Тарихдан садо берувчи обод гўшалар" ёшлар акцияси, "Биз ёшлар "оммавий маданият" ва мафкуравий таҳдидларга қаршимиз", "Конституция — ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг пойдевори", "ЎзМТДП — талабалар нигоҳида" каби лойиҳа ва тадбирлар бевосита ёшлар билан боғлиқлиги, уларнинг қизиқиш ва интилишларига мослиги аҳамиятлидир. Бу лойиҳалар келажак эгаларининг ташаббускорлигини ошириш, сиёсий-ҳуқуқий билимларини бойитиш, фаол фуқаролик позициясини кучайтиришга хизмат қилаётди. "Юртим тарихини ўрганаман" шиори остида ўтказилган "Тарихдан садо берувчи обод гўшалар" акцияси эса вилоят ёшларини ободлик, бунёдкорлик, улғу аждодларга эҳтиром кўрсатиш, тарихни янада чуқурроқ ўрганишга чорлайди. Улар тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, тарихий мерос ва халқ аъналарига чуқур эҳтиром туйғуларини кучайтириш каби

партиявий мақсад-вазифалар ижросига қаратилган.

Техника тараққий этган даврда яшаш-япмиш. Аммо бугунги ахборот глобаллашуви даврида ёшларда масъуллик ва фидойилик фазилатларини юксалтириш, уларни халқимизнинг бой тарихий мероси ва аъналарига чуқур эҳтиром уйғотиш, интернет орқали бўлаётган ахборот хуружларига жавобан глобал тармоқдан фойдаланиш маданиятини юксалтириш, миллий тикланиш ғояси, миллий маданият ва қадриятларни эъзозлаш руҳида тарбиялаш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этаётганини бир лаҳза ҳам унутмаслигимиз, бепарволикка берилмаслигимиз керак. Чунки ён-атрофимизда билиб-билмай турли ёт ғояларга, "оммавий маданият" найранглари эргашиб, миллий маданиятни чилпарчин қилаётган ёшлар ҳам борлиги ҳаммаимизни мудом огоҳликка чорлаб туриши лозим. Бу эса ҳар бир партияимиз аъзоларидан ҳушёрликни, тадбирлар таъсирчанлигини оширишни, зиммасидаги вазифаларга сидқидилдан ёндашувни талаб этади. Чунки юрт равнақи, эл фаровонлиги, ёшларнинг маънан ва жисмонан камолоти йўлидаги эзгу ишларгина бундай салбий ҳолатларга қарши мустаҳкам тўсиқ бўла олади.

Темур УБАЙДУЛЛАЕВ,
Жиззах политехника институтини ўқитувчиси,
ЎзМТДП аъзоси

Ташаббус натижа берди

Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган юртимиз ўзининг бой тарихи, гўзаллиги, илмий-маданий мероси, фусункор табиати билан дунё сайёҳларини ўзига жалб этиб келади. Юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, албатта, халқимизнинг неча минг йилликлардаги меросига туташиб тарихий ёдгорликлар, меъморий обидаларга дуч келасиз. Йиллар, асрлар ўтиши билан бу тарихий масканларнинг қадр-қимматино аҳамияти ҳам юксалиб бораверади. Бойси, улар миллатимиз ўтмиши, тарихи, аждодларимиз ақлу зақосидан дарак берувчи "ғувоҳ"лар сифатида ҳеч қачон ўз қадр-қимматини йўқотмайди.

Маданий мерос объектлари муҳофазаси

халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгаши сессияси ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан бу борада қарор қабул қилди

Ўзига хос тарихга эга Наманган вилоятида ҳам жами 278 моддий-маданий мерос объекти рўйхатга олинган. Улардан 140 таси археология, 102 таси эса меъморий ёдгорликлар, 28 таси диққатга сазовор жойлар, 8 таси монументал санъат асарларидир.

> 4-бет.



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



www.milliytiklanish.uz
сайтида ҳам ўқинг!

ЎзМТДП дастури — амалда



Миллий халқ ўйинлари

ёшларимизда миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат туйғусини уйғотади

Ўзбек халқининг миллий ўйинлари бой тарихга эга бўлиб, аجدодлардан авлодларга мерос сифатида ўтиб келаётган маънавий қадриятларимиз сарчашмасидир. Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан миллий қадриятларимиз, анъана-ю урф-одатларимиз, жумладан, халқ ўйинларини қайта тиклашга алоҳида эътибор қаратилади. Бугун юртимизда ёшларни спортга, миллий халқ ўйинларига кенг жалб қилиш соғлом авлодни вояга етказишнинг муҳим омилга айланган.

Миллий халқ ўйинлари азалдан аجدодларимиз маданий ҳаётининг ажралмас қисми сифатида эъзозланган. Улар асрлар давомида халқимиз маънавиятини бойитишга, онгу тафаккури ва ҳустуғуларини теранлаштиришга хизмат қилмоқда. Ўйинлар халқнинг турмуш тарзи, меҳнати, ютуқларидан келиб чиққан сайқал топади. Шу боис улар ёш авлодни тарбиялашда "ҳаёт мактаби" вазифасини ўтаган.

Маҳмуд Қошғарий "Девони луготи-турк" асаридида халқ ўйинларининг 150 га яқин турини тилга олиб, улардан 20 тасига таъриф беради. "Авесто"да бир қанча олов билан боғлиқ ўйинлар ҳақида маълумот берилган. Фирдавсийнинг "Шохнома", Амир Темурнинг "Темур тузуклари", Кайковуснинг "Қобуснома" асарларида миллий ўйинлар ҳақида кўп қисм маълумотлар келтирилган. Ибн Сино "Тиб қонуллари" асаридида кураш ва жисмоний машқларнинг киши бадантарбиясидаги ўрни, ўйиннинг шифобахш хусусиятлари ҳақида тўхталган. "Алпомиш" достони эса халқ ўйинларини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Унда кураш, пойга, улоқ, найза санчиш, камондан ўқ отиш, қиличбошлик, мерганлик каби ўйинлар негизда мардлик, жасурлик, лиябат, матонат, маънавий ва жисмоний комиллик улуғланади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Андижон вилояти кенгаши вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидидаги "Болалар шаҳарчаси"да ўтказган фестивал ёш авлодда миллий халқ ўйинларига нисбатан қизиқиш уйғотиш, уларни қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшлар орасида халқ ўйинларини янада омаллаштириш, навқирон авлод ўртасида ҳамжиҳатлик ва бирдамлик туйғусини мустаҳкамлашга қаратилди. Ўз навбатида, халқ ўйинлари ўғил-қизларнинг эстетик дидини тарбиялаш, маънавиятини юксалтириш ва истеъдодини юзга чиқаришга хизмат қилади. "Миллий халқ ўйинлари — жисмоний ва ақлий камолот манбаи" фестивалида партия вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоллари билан бир қаторда ёш спортчилар, "Болалар шаҳарчаси" тарбияланувчилари фаол иштирок этди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий камолоти йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли эзу ишлар уни-ўсиб келаётган фарзандларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай, ҳар жиҳатдан баркамол бўлган болалар тарбияланади, меҳр кўради, илм олиб, катта ҳаётга кириб боради. Мазкур фестивалда ҳам ёш авлоднинг ҳеч кимдан кам бўлмай ўсиши ва келажда жамиятда ўзига муносиб ўрин эгаллаш учун кўрсатилаётган меҳр ва ғамхўрлик яна бир бор ўзининг амалий ифодасини топди.

Тадбир аввалида шаҳарча тарбияланувчилари миллий халқ қўшиқлари, лар ва рақслардан намуналар ижро этишди. Улар учун миллий либослар кўرғазмаси намойиш қилинди.

Шундан сўнг миллий халқ ўйинларига навбат берилди. "Ёшлар қаноти" фаолларининг халқ ўйинлари акс этган чиқишлари тадбирга ўзгача руҳ бағишлади.

Олтинқўл тумани агросаноат касб-ҳунар коллежи ўқувчиларимиз, — деб ўзларини таништиришди халқ ўйинларини бошлаб берган бир гуруҳ ёшлар. — Болалар шаҳарчасидаги ўқувчиларимизга миллий халқ ўйинларини ўргатиш учун алоҳида тайёргарлик кўриб келдик. Бундан аввал туманимизда ўтказилган миллий ўйинлар мусобақасида қатнашдик. Тасавурларимизни ойдинлаштириб, ўйинларимиз сонини янада кўпайтирдик. Катта майдонда улар иштирокида "Қувлашмачок", "Қоч болар, бургут келди",

Хуришда УСМОНОВА, Олтинқўл агросаноат касб-ҳунар коллежи директори ўринбосари, партия фаоли:

— Ушбу фестивалда юртимизда ҳар бир фарзанднинг давлат ва жамият эътиборидан четда эмаслиги, халқимизга хос меҳр-мурувват, бағрикенглик фазилатлари яна бир бор ёрқин намойиш бўлди. Ўқувчиларимизга "Болалар шаҳарчаси"да тарбияланаётган болалар ҳақида гапириб берганимизда, бу ерга келиб улар билан дўстлашишга, ўқувчиларимизга миллий халқ ўйинларини бажонидил ўргатишга тайёр эканини айтишди. Фестивалда муваффақиятли иштирок этиш учун пухта тайёргарлик кўрдик. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг бу ташаббуси ёшларда спортга қизиқишни уйғотишга қўлмай, улар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини боғлайди. Тадбир ёшлар хотирасида узоқ вақт сақланиб қолишига, улар орасидан чемпионлар етишиб чиқишига ишонаман.

Хосият она МАМАЖОНОВА, Андижон шаҳар 8-МФЙ фаоли, тадбир иштирокчиси:

— Юртимизда фарзандларимизга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ҳақида қанча гапирсак кам. Фестивалда бола тарбиясида алоҳида аҳамият берилиши керак бўлган жиҳатлар халқ ўйинлари асосида кўрсатиб берилгани бизга маъқул бўлди. Ёшим 75 да бўлса-да, бугун гўё болалигимга қайтандек бўлдим. Қувнок, истеъдодли болажонларнинг чиқишларини яйраб томоша қилдим. Миллий ўйинларимизни ёшлар орасида тарғиб қилаётган ташкилотчиларга ҳар қанча раҳмат айтисак арзийди. Кексаларни эъзозлаш йилда бизни ҳам дам олсин, болалигини, ёшлигини эслаб, қувсонин, деб ҳурмат-иззат кўрсатиб тақлиф қилишганидан бошимиз кўкка етди. Юртимизга тинч-тотувлик, фаровонлик тилаб, бизни эъзозлаётган ҳукуматимизни, бизни бу ерга тақлиф қилган партия фаолларини, ўз ўйинлари билан қувнок улашган фарзандларимизни алқаб дуо қилдик.

"Оқ теракми, кўк терак", "Дурра", "Бўрон", "Тўпни айланага туширма", "Қўриқчи", "Мўлжалчи", "Арқон тортиш", "Чаққонмиши", мерганмиши каби ўйинлар ўйналди. Нуроний кексалар ўз ёшлигини эслашди чоғи, ҳар бир ўйинни завқ билан томоша қилишди. Оппоқ соқоли юзига нур бағишлаб турган Бўстон маҳалласидан келган Жаъбарали ота Раҳмонов ёшларга арқон тортиш ўйинининг сир-асорини ўргатди.

— Ёш пайтларимиз арқон тортишда доим ғолиб чиқардик, — дейди ота завқ билан. — Бу нафақат ўйин, балки ҳақиқий чиқиш ҳамдир. У болаларимизни аҳилликка, ҳамжиҳатликка ўргатади, кучли бўлишга ҳавас уйғотади. Фарзандларимизга миллий халқ ўйинларини ўргатишга, уларни миллий қадриятларимизни ўргатишга ундаётган партиянинг бу каби тадбирлари янада кўпайишни истардим. Биз кексаларни ҳам эътибордан четда қолдирмай, тадбирга тақлиф қилишганидан бошимиз кўкка етди.

— Ёшлар ва кексаларни бир ерга жамлаш, миллий халқ ўйинларини навқирон авлодга асл ҳолига етказишни мақсад қилгандик, — дейди ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши Иброҳим Қўмитаси девони раҳбари Хамиджон Омонов. — Партиямиз ҳамжиҳатлик ва бирдамликни мустаҳкамлашга қаратилган миллий спорт турларини ривожлантириш ва қайта тиклаш, жисмонан соғлом ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш, болалар ҳамда ёшларни спортга жалб этиш, уларни миллий ўйинлар ва спорт билан кенг қўламли, мунтазам шуғуланиши учун қўлай шарт-шароитлар яратишга қўмаклашишни устувор вазифа деб билади. ЎзМТДП сайловди Платформасида миллий спорт турлари бўйича ўтказилаётган мусобақаларни кўпайтириш, мамлакат, қўтба ва жаҳон чемпионатларини ташкил қилиш, истеъдод эгаларини кашф этиш ва муносиб рағбатлантириш орқали мамлакатимиз ижобий имижини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур дастурий мақсад-вазифаларни амалга оширишда бу каби фестиваллар муҳим ўрин тутади. Зеро, билимли, соғлом ва қудратли ёшларгина юрт шаънини улуғлайди.

Дастурий мақсад-вазифалар ижроси

худудий партия ташкилотларида кенг муҳокама қилинмоқда

Андижон

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари ваколатининг кенгайиши, маҳаллий кенгашлардаги доимий комиссия вазифалари ва уларнинг фаолиятини ташкиллаштириш, партия гуруҳларининг доимий комиссиялар билан ўзаро муносабатларини ривожлантириш, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнида муҳим ҳуқуқий асос бўлаётди. ЎзМТДП Жалақудук туман кенгаши ўтказган "Партиянинг дастурий мақсадлари ва унинг доимий электорати манфаатлари ҳамда худудларнинг ривожланиш дастуридан келиб чиқиб партия гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш" мавзусидаги семинар-тренингда ана шулар ҳусусида сўз борди.

— Партия гуруҳлари ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифалари ижроси ва сайловди ваздаларни бажаришда муҳим ўрин тутади, — деди тадбирда иштирок этган ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши Иброҳим Қўмитаси девони раҳбари Хамиджон Омонов. — Партия гуруҳлари фаолиятининг самарадорлиги, ўз навбатида, электоратимиз манфаатларини ҳимоя қилиш ва партиямиз тарафдорлари сафи кенгайишининг муҳим омил эканини унутмаслигимиз керак.

Семинар-тренингда халқ депутатлари Жалақудук, Хўжабод, Қўрғонтепа, Булоқбоши туман Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, партия туман ва шаҳар кенгашлари раислари иштирок этди.

Тошкент вилояти

— Партия сафини ватанпарвар, миллий анъаналарга содақатли, интеллектуал салоҳияти юксак ёшлар билан кенгайтириш фаолият самарадорлигида муҳим аҳамият касб этади, — деди ЎзМТДП Оққўрғон туман кенгаши ўтказган "Кексалар — доимо эъзозимизда" мавзусидаги тадбирда сўзга чиққан партия фаоли Фаёзулла Нурматов. — Партия қадриятларимизни асраш ва фуқароларда миллий ўзлиқни англаш туйғусини кучайтиришни ўзининг дастурий мақсадларидан, деб билади. Ёшларни ана шу руҳда тарбиялаш глобаллашув шароитида яшайётган ҳар бир миллат учун гоё аҳамиятлидир.

Кексаларни эъзозлаш йилига бағишлаб ўтказилган мазкур тадбирда юртимиз тараққиёти учун фидокорона меҳнат қилган кексалар, ЎзМТДП Оққўрғон туман кенгаши, "Нуроний" жамғармаси туман бўлими ҳамда партия фаоллари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, ёши улғу инсонларга меҳр-эътибор кўрсатиш халқимизга хос азалий фазилат. Бир неча минг йиллик анъана ва қадриятларимизда бу хусусият асосий мезонлардан саналади. Миллий ўзлиқни англаш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, бойитиш, келажак авлодларга етказиш каби вазифалар ЎзМТДПнинг дастурий мақсад-вазифаларидан экани, уларнинг амалга оширилишида, айниқса, пиру-бадавлат кексаларимиз муҳим ўрин тутуши алоҳида қайд этилди.

Хоразм

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратаётди. Айниқса, "Аёллар қаноти" ўтказиётган тадбирлар уларни спортга янада кенгрок жалб этишга хизмат қилляпти. ЎзМТДП Хонқа туман кенгаши ўтказган "Соғлом она — соғлом бола" шиори остидаги аёллар спорт фестивали ана шундай тадбирлардан биридир.

Тадбирда сўзга чиққанлар эркин фуқаролик жамияти, озод ва обод Ватан куриш маънан ва жисмонан соғлом фарзандларни тарбиялашга асосланганини таъкидлади. Бунинг учун ота-болаимиздан мерос бўлиб келаётган тарбия мезонлари, миллий қадрият ва анъаналар асосида соғлом турмуш тарзини юксалтиришга қаратилган тадбирлар сонини кўпайтириш, навқирон авлоднинг интеллектуал салоҳиятини ва соғлом инсонлар қилиб тарбиялаш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш асосий вазифаларимиздан экани таъкидланди.

Фестивалда Хонқа шаҳарча ва Саралаён қишлоғи фаол аёллари югуриш, енгил атлетика, стол тенниси, шахмат-шашка ва волейбол мусобақаларида бахшланди. Фаолиларга ЎзМТДП Хонқа туман кенгашининг эсдалик совғалари ва фахрий ёрликлари топширилди.

Фарғона

Давлатимиз раҳбарининг асарлари ва маърузалари мазмунини чуқур ўрганиш, унда белгилаб берилган вазифалар моҳиятини англаб етиш миллий тараққиётимиз гаровидир. Партиянинг Президент асарларини ўрганишга қаратилган танлов, давра суҳбати ва тадбирлари ана шу жиҳати билан ҳам аҳамиятлидир. Партия Ёзёвон туман кенгаши ўтказган шу мавзуга бағишланган давра суҳбати ҳам ёшларда катта таассурот қолдирди. Тадбирда давлатимиз раҳбарининг 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюси мазмун-моҳияти чуқур ўрганилди.

— Истиқлол йилларида эришган улкан ютуқларимиз дунё ҳамжамиятининг эътирофига сазовор бўлаётди, — деди сибсатуносов олим, партия фаоли Б.Мўминов. — Бутун дунёда "Ўзбек модели" сифатида тан олинган тараққиёт йўли мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришнинг асосий омил бўлмоқда. Ҳар бир муваффақиятимиз халқимиз онг-шуурида мамлакатимизнинг эртанги кунига бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда.

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг маърузаларида белгиланган устувор вазифалар партия ташкилотлари ва гуруҳлари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни талаб этиши таъкидланди.

Сирдарё

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ ёшларни жисмонан ва маънан етук инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг замонавий билим олиши, касб-ҳунар эгаллиши учун шарт-шароит яратиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Пировадлик навқирон авлод вакиллари юртимизда рўй бераётган улкан ўзгариш ва ислохотлар жараёнида фаол иштирок этишга интилаётди. Навқирон авлоднинг замонавий мутахассисларини эгаллашга рағбатлантириш, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш ЎзМТДПнинг ҳам устувор вазифаларидандир. Мазкур соҳада амалга оширилаётган ишларга қўмаклашиш мақсадида партия ташкил этаётган ўқув-семинар ва давра суҳбатлари ёшларда сийсий етакчилик ва ташаббускорлик маҳоратини ошириш, уларнинг ҳуқуқий билиминини бойитишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Сирдарё вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти", ЎзМТДП Янгиер шаҳар кенгаши ҳамда Республика Маънавият тарғибот маркази туман бўлими билан ҳамкорликда "Наврўзобод" маҳалласида ўтказилган "Ёшлар маънавияти — буюк келажакка йўл очади" мавзусидаги давра суҳбатиди ана шулар ҳусусида сўз борди. Тадбирда ёшлар тарбиясида миллий қадриятларимизнинг ўрни, ўсиб келаётган ўғил-қизлар қалби ва онгиди мафқуравий иммунитетини кучайтириш, "оммавий маданият" таъсирларидан асраш ҳусусида маърузалар тингланди.

Ҳасан ФАРМОНОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

Сусткашликка чек қўйиш вақти келди

БПТлар фаолиятини тубдан яхшилаш, иш самарадорлигини ошириш бугуннинг энг муҳим вазифаларидан биридир

Истиқлол йилларида сиёсий партияларнинг жамиятимизда тутган ўрни ва роли тобора кучайиб бораётди. Шиддат билан одимлаётган бугунги давр партиялар ва уларнинг барча даражадаги ташкилотларидан ўз электоратини ўйлаштириётган масалаларни янада чуқурроқ ўраниш ва уларни ҳал этишни, шу орқали сайловчилар ишончини қозонишни тақозо этмоқда. Бу, айниқса, бошланғич партия ташкилотларидан алоҳида масъулиятни талаб этади. Чунки партиянинг жамият ва аҳоли ўртасидаги нуфузи кўп жиҳатдан қуйи бўғинлар фаолиятга боғлиқ. Шу нуқтаи назардан ЎзМТДП Навоий вилояти, туман ва шаҳар кенгашлари қуйи бўғинлар сафини янада кенгайтириш ва уларнинг иш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Рақамларга мурожаат қилсак, 2013 йилда партиянинг вилоят кенгаши таркибида 444, 2014 йилда эса 478 бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатган. Жорий йилга қараб, бу кўрсаткич қарийб 500 тани ташкил этаётди. Ўз сафида салкам 13 минг аъзо-ни бирлаштирган қуйи бўғинлар ЎзМТДП сайловди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар ижроси ва партия голяларини тарғиб-ташвиқ қилишда фаоллик кўрсатишга интилмоқда. Чунончи, вилоятда фаолият кўрсатаётган 498 қуйи бўғиндан 112 таси ЎзМТДП Навбахор туман кенгашида тузилган.

"Бешработ" маҳалла фуқаролар йиғини қошида ўз сафига 164 аъзони бирлаштирган бошланғич партия ташкилоти

ЎзМТДП Навбахор туман кенгашидаги энг фаол қуйи бўғинлардан биридир. Туман ободонлаштириш бўлими бошлиғи Йўлдошмурод Жўлиев етакчилигидаги мазкур қуйи бўғин фаоллари миллий қадрият ва урф-одатларни, халқимизнинг бетакрор миллий, маънавий анъаналарини тарғиб қилишда фаол иштирок этиб келаётди.

— Маҳалламизда бошланғич партия ташкилоти фаолият юртиши учун барча имконият мавжуд, — дейди қуйи бўғин етакчиси. — Бу ерда мунтазам равишда партиядошларимиз иштирокида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида кузатилаётган муҳим воқеалар ҳусусида фикр алмашамиз. Аъзоларимизнинг сиёсий билим-қўникмаларини ошириш мақ-

садида партиямиздан халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар иштирокида давра суҳбатлари ўтказамиз. Партия гуруҳлари билан йўлга қўйилган бу ҳамкорлик, ўз навбатида, фаолиятимиз учун асқотмоқда, партиямиз голялари тарғиб-ботида зиммамизга юкланган масъулиятни янада теранроқ ҳис этишга замин яратмоқда.

Таъкидлаш жоиз, мазкур қуйи бўғин ташаббуси билан ЎзМТДП мақсад-вазифаларини тарғиб этиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш авлод маънавиятини юксалтиришга қаратилган қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда. "Миллий гоё — боқий гоё", "Инсон манфаатлари доимо устувордир", "Партия электорати манфаатларини ҳимоялашда қуйи бўғинларнинг ўрни", "Мустақиллик — маънавий юксалиш демек", "Маҳалла — умрбоқий қадриятлар маскани" мавзуларидаги тадбирлар шулар жумласидандир.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ҳам қуйи бўғиннинг доимий диққат-эътиборида. Уларнинг бу борада партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, кекса авлод вакилларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ҳолидан хабар олиш, саломатлигини тиклашга қўмаклашиш, якка-ёлғиз, ижтимоий

қўмакка муҳтож қарияларнинг уй-татларини маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар иштирокида давра суҳбатлари ўтказамиз. Партия гуруҳлари билан йўлга қўйилган бу ҳамкорлик, ўз навбатида, фаолиятимиз учун асқотмоқда, партиямиз голялари тарғиб-ботида зиммамизга юкланган масъулиятни янада теранроқ ҳис этишга замин яратмоқда.

Таъкидлаш жоиз, мазкур қуйи бўғин ташаббуси билан ЎзМТДП мақсад-вазифаларини тарғиб этиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш авлод маънавиятини юксалтиришга қаратилган қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда. "Миллий гоё — боқий гоё", "Инсон манфаатлари доимо устувордир", "Партия электорати манфаатларини ҳимоялашда қуйи бўғинларнинг ўрни", "Мустақиллик — маънавий юксалиш демек", "Маҳалла — умрбоқий қадриятлар маскани" мавзуларидаги тадбирлар шулар жумласидандир.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ҳам қуйи бўғиннинг доимий диққат-эътиборида. Уларнинг бу борада партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, кекса авлод вакилларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ҳолидан хабар олиш, саломатлигини тиклашга қўмаклашиш, якка-ёлғиз, ижтимоий


қўмакка муҳтож қарияларнинг уй-татларини маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар иштирокида давра суҳбатлари ўтказамиз. Партия гуруҳлари билан йўлга қўйилган бу ҳамкорлик, ўз навбатида, фаолиятимиз учун асқотмоқда, партиямиз голялари тарғиб-ботида зиммамизга юкланган масъулиятни янада теранроқ ҳис этишга замин яратмоқда.

Таъкидлаш жоиз, мазкур қуйи бўғин ташаббуси билан ЎзМТДП мақсад-вазифаларини тарғиб этиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш авлод маънавиятини юксалтиришга қаратилган қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда. "Миллий гоё — боқий гоё", "Инсон манфаатлари доимо устувордир", "Партия электорати манфаатларини ҳимоялашда қуйи бўғинларнинг ўрни", "Мустақиллик — маънавий юксалиш демек", "Маҳалла — умрбоқий қадриятлар маскани" мавзуларидаги тадбирлар шулар жумласидандир.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ҳам қуйи бўғиннинг доимий диққат-эътиборида. Уларнинг бу борада партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, кекса авлод вакилларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ҳолидан хабар олиш, саломатлигини тиклашга қўмаклашиш, якка-ёлғиз, ижтимоий

Ўраолой ТУРДИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Семинар



Маҳаллалар фаолияти самарадорлигини ошириш

бу жараёнда ЎзМТДП фракцияси фаол иштирок этмоқда

Маҳалла институти ўзининг ижтимоий аҳамияти жиҳатидан жамиятимиз ҳаётида муҳим ўрин тутди, халқимизга хос миллий қадрият ҳисобланади. Шу боис, маҳалла тизimini янада такомиллаштириш, унинг ташкилий ва иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал этишдаги ўрни ва ролини ошириш ЎзМТДПнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Бу эса маҳалланинг миллий, маънавий қадриятлар, урф-одат ва анъаналарни тиклаш ҳамда ривожлантиришда фуқароларнинг кенг иштирокини таъминлайдиган фуқаролик жамияти институти сифатидаги фаолиятини кучайтириш билан chambarchас боғлиқ.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракциясининг 2015 йилга мўлжалланган иш режасида ҳудудларда "Маҳалла институти янада такомиллаштириш, ташкилий ва иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, унинг фуқаролик жамияти институти сифатидаги ролини кучайтириш" мавзусида семинарлар ўтказиш режалаштирилган. Навбатдаги семинар Хоразм вилоятида ташкил этилди. ЎзМТДП фракцияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамда Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган семинарда маҳалланинг ҳаётимиздаги ўрни, мазкур институт фаолияти билан беvosита боғлиқ бўлган масалалар муҳокама қилинди.

Халқимизнинг ўзига хос анъана ва қадриятлари, асрлар оша яшаб келаётган урф-одатларига бешик бўлаётган маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири янада ортиб бормоқда. Маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини такомиллаштириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, вазифа ҳамда ваколатларини янада кенгайтириш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Семинарда мустақиллик йилларида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга доир тизимли ва изчил чора-тадбирлар амалга оширилганлиги алоҳида эътироф этилди. Маҳалла институти фаолияти ва ҳуқуқий асосларининг янада такомиллашуви негизда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсади муҳасам. Яъни "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили асосида ҳокимият ваколатларининг бир қисми босқичма-босқич марказдан маҳаллий ҳокимият, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамияти институтига берилаётган ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, истеъмол бозорини тўлдирish, ижтимоий инфратузилмани таракқий эттириш, турмуш фаровонлигини ошириш каби масалаларни маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳал этиш имконини беради.

Эътироф этилганидек, бугунги кунда мамлакатимизда 10 мингга яқин фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатмоқда. Унинг 194 таси шаҳарча, 1293 таси қишлоқ, 157 таси овул ва 8112 таси маҳалла фуқаролар йиғинларида иборат. Улар айна пайтада илгари маҳаллий ҳокимият органлари ваколати-

да бўлган 30 дан ортик вазифани бажариш бўйича самарали иш олиб бормоқда. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, фуқаролар манфаатларини ҳимоялаш каби кўплаб масалалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокида ҳал этилаётди.

Семинарда бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятни ривожлантириш, муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга оширишга қўшаётган салмоқли ҳиссаси алоҳида эътироф этилди. Улар фаолиятининг қонуний асосларини янада такомиллаштириш, маҳалла вазифаларини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан яқин ҳамкорлигини таъминлаш масалалари долзарб аҳамият касб этиши таъкидланди. Айниқас, улар ўртасида ижтимоий шериклик муносабатларини ривожлантириш зарурлиги, маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, унинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидagi вазифаларини янада кенгайтириш долзарб вазифа эканлигига эътибор қаратилди.

Семинарда тизимда эришилётган натижалар билан бирга мавжуд муаммоларни ҳал қилиш бўйича ҳам ўзаро фикр алмашилди. Маҳаллаларнинг ҳаётимиздаги ўрнини, юртимиз тинчлиги, осойишталигини сақлашдаги аҳамиятини мустаҳкамлашга оид мулоҳазалар баён этилди.

— Ўзбек халқининг асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб келаётган гўзал, бетакрор урф-одатлари, анъана ва қадриятлари бор, — деди Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Хоразм ҳудудий бўлини-маси раҳбари Илёс Абдуллаев.

— Бундай қадриятларимиз замирида эса ўзбек халқининг шонли ўтмиши, маънавияти, маданияти, қолаверса, аждоқларимизга бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиром туйғулари муҳасам. Шундай экан, бу меросни сақлаб қолишимиз, уларга юртимиз осойишталиги, тинчлиги, халқимиз аҳиллигини кўра олмайдиган фарз ниятли, ёвуз кучлар пугур етказишга қарши ҳамкорликда иш олиб боришимиз лозим. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, гога қарши гога, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан курашмоқ керак. Бу борада эса маҳалла тизимидан самарали фойдаланишимиз, маҳаллаларнинг миллий-маънавий қадриятларимизни сақлаш, давомийлигини таъминлаш, урф-одатларимизни тиклаш ҳамда бойитиш бўйича фаоллигини янада оширишимиз зарур. Айрим маҳаллалар ва улардаги комиссиялар фаолиятида учрайдиган камчиликлар, сусткашликларни бартараф этиш давр талабидир.

Семинар якунида билдирилган фикр-мулоҳаза ва тақлифлардан келиб чиқиб тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Одилжон ТОЖИЕВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Президентимиз ташаббуси билан мустақиллик йилларида маҳалла ҳаёти билан боғлиқ кўплаб қадриятлар, удул ва анъаналаримиз қайта тикланиб, замон талаблари асосида бойитиб борилаётган. Маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди, янада такомиллаштирилди. Мазкур жараёнда фаол иштирок этишга интилаётган ЎзМТДП маҳаллаларнинг фуқаролар, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, ижтимоий соҳадаги ишларнинг самарадорлигини ошириш, жойларда жамоат ҳавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартиботни яхшилаш, бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишдаги саъй-ҳаракатларини фаоллаштиришга қўмақлашмоқда. Мазкур семинар доирасида Хоразм вилоятида бу борадаги ишлар муҳокама қилинди. Фракциямиз ташаббуси билан ташкил этилган бу каби тадбирлар партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларимиз ижросида муҳим ўрин тутди.

Алишер РАҲМОН, "Milliy tiklanish" мухбири

Ташаббус натижа берди

Маданий мерос объектлари муҳофазаси

халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгаши сессияси ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан бу борада қарор қабул қилди

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Тарихий, маданий мерос объектларини сақлаш, кўз қорачигидек асраб-авайлаш, келажак авлодларга бус-бутун ҳолича етказиш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар натижасида шу кунга қадар вилоят бўйича жами 66 объект кадастр рўйхатидан ўтказилган. Уларнинг 23 таси масжид, 2 таси мадраса, 41 таси археологик ёдгорлик ҳисобланади. Тўрақўрғон туманидаги Ахсикент шаҳристонини ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилган.

2011 йил 7 апрелда вилоят ҳокимининг моддий-маданий, археологик мерос объектларини асраб-авайлаш мақсадида "Вилоятдаги маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, улардан мақсадли фойдаланишни таъминлаш ва фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори тасдиқланди. Қарорга мувофиқ, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни мувофиқлаштирувчи идораларо вилоят комиссияси тузилган, мутасадди ташкилотларга аниқ вазифалар юклатилган эди.

Ҳўш, вилоятдаги маданий мерос объектларининг аҳоли бугун қай ҳолатда? Уларни асраб-авайлаш, таъмирлаш, муҳофаза қилиш ва фойдаланиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Тарихий масканларга келадиган сайёҳлар оқимини кўпайтириш, таширф буораётган меҳмонларга вилоят тарихи ва бугунги ҳақида маълумот бериш борасида қандай чора-тадбирлар қилинмоқда?

ЎзМТДП гуруҳи бу каби саволларга жавоб топиш мақсадида халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясига "Вилоятда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги ташаббус-масалани олиб чиқди. Мазкур масалани сессияга олиб чиқишга тайёргарлик кўриш жараёнида тарихий, археолог олимлар, мутахасис ва экспертлардан иборат ишчи гуруҳи тузилиб, вилоятдаги мавжуд тарихий, маданий масканлар, объектлар ҳолати ўрганиб чиқилди.

— Тарихдан маълум, қадимги Фарғона ўлкаси давлатчилик тарихимизда ўзига хос ўрни, бой маданий мероси билан ажралаб туради, — дейди ишчи гуруҳи аъзоси, Наманган давлат университетини тарих факультети кафедраси мудири, халқ депутатлари Чўст туман Кенгаши партия гуруҳи раҳбари Рўзимат Жўраев. — Биргина бронза даврига оид Чўст манзилгоҳидан топилган моддий-ашёвий далиллар ҳудудда азалдан ўзига хос маданият шаклланиб қадимдан дарак беради. Тўрақўрғон туманидаги Ахсикент шаҳристонини IX-XII асрларда пойтахт шаҳар сифатида гуллаб-яшнаган. Айни пайтда унинг харобалари Тўрақўрғон ва Жомашўй орқали ўтайдиган Наманган, Фарғона йўлининг икки томонида, Сирдарёнинг ўнг соҳили бўйлаб чўзилиб кетган баланд тепаликлар кўринишини олган. Бундан ташқари, Поп туманида Мунчоктепа, Чўст туманида Биби она ёки Буонамозор, Косонсой туманида Муғ(қалъа)тепа археологик ёдгорликлари, IX-XVII асрларга оид Шайх Султон Жалолиддин Сомониининг Ғузопоя мазор масжиди, жомеъ масжиди, Садпир Комил масжиди, Гунгал ероси тухмоми, Юсуфхон Эшон мақбараси ва бошқа бир қатор меъморий обидалар мавжуд. Косонсой азалдан халқ амалий мерос

ти, меъморчилик, ҳунармандчилик маскани, Буюк ипак йўлида жойлашган қадимий шаҳар сифатида тарихимизда муносиб ўрин эгаллаган. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бунёд этилган илк археология музейи ҳам Поп туманида ташкил этилган эди. Бир сўз билан айтганда, Наманган вилоятининг ўзига хос тарихи, ўтмиши, маданияти юртимиз тарихининг ажралмас қисми сифатида ўз ўрнига эга. Уни тадқиқ этиш, чуқур ўрганиш, мавжуд тарихий, маданий объектларни асраб-авайлаб, келажакимиз эгаларига етказиш катта авлод вакилларининг вазифасидир.

— Халқимизнинг тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросини кўз қорачигидек асраб-авайлаш, бойитиш ва уларни янада кўпайтиришга қўмақлашни мақсад қилган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мазкур жараёнда фаол иштирок этмоқда, — дейди халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Одилжон

объектларидан тушган маблағларни таъмирталаб объектларга йўналтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, вилоятдаги барча тарихий ёдгорликни реконструкция қилиш, таъмирлаш ва консервациялаш каби муаммоларни ҳал этиш мақсадида зарурий чора-тадбирларни белгилаш ҳамда амалга оширилишини мунтазам назорат қилиб бориш, археологик ва маданий ёдгорликларнинг ўзлаштирилишига йўл қўймаслик мақсадида уларнинг чегараларини аниқлаб, муҳофаза белгиларини ўрнатиш каби вазифаларга юклатилди. Шунингдек, қатор идоралар ва туманлар ҳокимликлари ҳамкорлигида Тўрақўрғон туманидаги Ахсикент шаҳристонини, Поп туманидаги Мунчоктепа археологик ёдгорлиги, бронза даврига оид Чўст манзилгоҳидаги Бибиона-Буонамозор ва Косонсой туманидаги Муғ(қалъа)тепа археологик ёдгорликларига бориш йўллари кўрсатувчи йўл-ахборот кўрсаткичлари ҳамда объектларга кириш жойида инглиз тилидаги ахборот

- ✓ Наманган вилоятида жами 278 моддий-маданий мерос объекти рўйхатга олинган
- ✓ Сессияга тайёргарлик кўриш жараёнида ишчи гуруҳи тузилиб, вилоятдаги мавжуд тарихий, маданий масканлар, объектлар ҳолати ўрганилди
- ✓ Сессия қарорида тегишли мутасадди идоралар ва мансабдор шахслар зиммасига аниқ вазифалар юклатилди
- ✓ Ахсикент шаҳристонини, Мунчоктепа, Бибиона-Буонамозор ва Муғ(қалъа)тепа археологик ёдгорликларига бориш йўллари кўрсатувчи йўл-ахборот кўрсаткичлари ўрнатиш белгиланди

Маматқаримов. — Ўрганишлар давомида вилоятимиздаги маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш борасида самарали натижалар билан бирга, муайян камчиликлар, амалга оширилиши лозим талай ишлар борлиги аниқланди. Минтақаларо маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш давлат инспекцияси ва "Аждодлар мероси" вилоят жамоат фонди Наманган шаҳридаги Мулла Кирғиз, Тўрақўрғондаги Ғойибназар қози мадрасаси, Поп туманидаги Имом ота зиёратгоҳини таъмирлаш бўйича смета-ҳужжатларини тайёрлаган. Поп туманидаги Археология музейи ҳам таъмирталаб аҳволда.

Шунингдек, ўрганиш жараёнида Ахсикент ёдгорлигининг ҳимоя ҳудудида замон талабларига жавоб берадиган археологик марказ (музей, илмий лаборатория, меҳмонхона) қуриш зарурати мавжудлиги аён бўлди. Ёдгорликлар атрофида ободонлаштириш, кўкчаларнинг яхшироқ ишларини амалга ошириш лозим.

Ўрганишлар асосида йиғилган маълумотлардан келиб чиқиб, сессия кун тартибига киририлган мазкур ташаббус-масалани иштирокчилар қизгин муҳокама қилишди. Сессияда бошқа партия гуруҳлари аъзолари ҳам масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди. Қизгин мунозара, билдирилган тақлиф, тавсиялардан келиб чиқиб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши ушбу ташаббус-масала юзасидан қарор қабул қилди.

Қарорга мувофиқ тегишли мутасадди идоралар ва мансабдор шахслар зиммасига муайян вазифалар юклатилди. Жумладан, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармасига ҳудуддаги моддий-маданий мерос

стендлари ўрнатиш белгиланди. Ҳомийларни жалб қилиш асосида Ахсикент шаҳристонини ҳудудда очиқ осмон остидаги музей ташкил этиш, Археология музейини халқроқ стандартларга мос реконструкция қилиш, Бибиона-Буонамозор маданий ёдгорлиги атрофини ўраш ҳамда замонавий кўринишга эга реконструкция ишларини амалга ошириш бўйича 1 ой мuddатда чора-тадбирларни белгилаш, Муғ(қалъа)тепа археологик ёдгорлигини ободонлаштириш, чегаравий ҳудудини шакллантириш ва замонавий ечимга эга кириш дарвозасини ўрнатиш, 1 ой мuddат ичида очиқ осмон остидаги музей лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифалар юклатилди.

Шунингдек, ёшларни тарихий, маданий меросимизга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида "Ўзбекиризм" миллий компаниясининг Наманган вилояти бўйича ваколатли вакили вилоятдаги олий ўқув юрталари талабалари ва бошқа таълим муассасаларидаги ўқувчи ёшларнинг археологик ва тарихий ёдгорликларга саёхатини ташкил этиш тавсия этилди.

Бир сўз билан айтганда, вилоятдаги моддий-маданий ва археологик мерос объектларига қаратилган эътибор ЎзМТДП гуруҳининг ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан янада жадал тус олмоқда. Энг муҳими, мазкур сессия қарори асосида вилоят ҳудудидаги мавжуд обидалар, тарихий ёдгорликлар обод қилинади, қайта чиroy очади, ушбу масканларга таширф буорувчилар сонни ортади, ёш авлод вакилларининг аждоқларимиз меросига нисбатан ҳурмат руҳида камол топиш, уларни асраб-авайлашга маъсул эканлигини янада чуқурроқ ҳис этишига туртки бўлади.

Иқромиддин АБРОРОВ, халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:

— Худудимиздаги қадимий шаҳар, ёдгорлик ва диққатга sazovor қадамжолар вилоятимиз тарихини кўз-кўз қилувчи дурдоналардир. Уларни асраб-авайлаш, аждоқларимиздан мерос масканлар тарихини ёшларимизга етказиш ҳар биримизнинг зиммасига катта масъулият юклайди. Бу борада ўқувчи-ёшларнинг Ахсикент, Косонсой, Поп, Чўст, Наманган каби қадимий шаҳарларимизга эскурсияларини ташкил этиш ҳамда ушбу худудлардаги тарихий обидалар қўйида амалий дарс машғулотларини олиб бориш мақсада мувофиқ бўлади. Зеро, ЎзМТДП сайловолди Платформасида илгари сурилган тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, бойитиш, ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, ушбу бойликларни камол топиб келаётган ёш авлод ўртасида кенг тарғиб этиш, ёшларда тарихий мерос ва халқ анъаналарига нисбатан чуқур ҳурмат, эҳтиром уйғотиш каби мақсад-вазифалар ижроси ҳам ана шундай амалий саъй-ҳаракатлар замирида рўёбга чиқади.

Мухтарама КОМИЛОВА, "Milliy tiklanish" мухбири, Азизбек КЎЧҚОРОВ,

ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши девони етакчи мутахассиси

Барно МЕЛИКУЛОВА, ЎзА мухбири

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

Нуронийлар эъзозда

Президентимизнинг шу йил 14 апрелдаги "Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони кексаларга муносиб турмуш шароити яратиш, уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда муҳим дастуриламал бўлаётди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида ҳаётга татбиқ этилаётган "Фарзандлик бурчим" лойиҳаси ёши улуг инсонлар, меҳнат фронти фахрийлари сабоқларидан ёшларни кенг баҳраманд этиш, уларнинг оила ва жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлашдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Ҳаракатнинг Тошкент шаҳар бўлими фаоллари Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва бошқа қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги Олтин топан, Роҳат, Зилола маҳаллаларида истиқомат қилувчи кексалар ҳолидан хабар олди.

Ёши улугларни қадрлаш, уларнинг Ватан равнақи учун кўрсатган фидойиликларига муносиб ҳурмат кўрсатиш халқимизга хос фазилатлардан. Кекса отахон ва онахонлар хонадонларимиз файзу фаршиса, рўзгоримизнинг баракаси, деймиш. Зеро, миллий анъана ва қадриятлар бардавонлигини таъминлашда нуронийларнинг ўғит-насиҳатлари муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур лойиҳа доирасида Тошкент шаҳридаги уч мингдан зиёд уруш ва меҳнат фахрийси ҳамда ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олинаётди. Бу жараёнга талабалар ва фаол ўқувчилардан ташкил этилган беш юзга яқин

тарғибот гуруҳига беш мингдан ортик йигит-қиз жалб этилган. Улар кексаларнинг уй-жойини тартибга келтириш, маийий шароитларини яхшилаш, кўча-кўй, ариқларни тозалашга эътибор қаратмоқда.

— Тинч, обод юрда яшаш, фарзандларимиз ҳамда юртдошларимиздан меҳр-муҳаббат, ҳурмат-иззат кўриш бизни янада қувонтирмоқда, — дейди Роҳат маҳалласида истиқомат қилувчи Наби ота Ҳожиматов. — Кексалар қадрланаётган, келажак авлодга ғамхўрлик кўрсатилаётган мана шу кунларга етказганига шукр. Доимо юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, фарзандларимиз соғ-омон бўлсин.

Лойиҳа доирасида отахон ва онахонлар ёшларга юрт равнақи ва эл фаровонлиги учун меҳнат қилиш зарурлиги, истиқлол шарофати ва саодати ҳақида ўғитлар бериб, ўз ҳаётини тажрибаларидан сўзлашди.

Бизнинг шарҳ

Ўрмон ёнғинлари

унга ким ва нима сабаб?



Ер юзасидаги қуруқликнинг 27 фоизини эгаллаган табиий ўрмонлар заҳарли газларни ютиб, атмосферага кислород ишлаб чиқаришда муҳим манаб саналади. Мутахассисларнинг фикрича, ўрмонлар экологик мувозанатни бир меъёрга сақлаб, атрофни тоза ҳаво билан узлуксиз таъминлайди. Ҳисоб-китобларга кўра, бир йилда 1 гектар ўрмондаги ўсимликлар ҳаводаги 20-25 тонна турли заҳарли газни ўзига ютиб, 15-18 тонна кислород чиқаради. Бундан ташқари, ўрмонлар инсон саломатлиги учун зарур фитонцидлар (ўсимликдан чиқадиган бактерияларни йўқотадиган модда) манбаидир: 1 гектар япроқли ўрмон бир кунда 2 килограмм, нана баргли ўрмонлар эса 30 килограммгача фитонцид ишлаб чиқара олади. Бугунги кунда ўрмонларнинг 70 фоизга яқини Россия, Канада ва Бразилия ҳудудида жойлашган. Ачинарлиси, дунёнинг турли минтақаларида содир бўлаётган ўрмон ёнғинлари ердаги табиий муҳитнинг асосий манбаи бўлган ўрмонларнинг йил сайин тобора қисқаришига олиб келмоқда. Ҳўш, бунга ким ва нима сабаб?



лакатлар қишлоқ ҳўжалигида олиб борилган ирригация ишлари натижасида йирик торф ботқоқлари ўзлаштирилган. Қазиб олинган торфдан эса ёқилги ўрнида фойдаланилган. Кейинчалик торф қазиб олиш тўхтаб қолганидан сўнг аҳоли бу ерларни ўзлаштириб, турар жойлар қуриб яшай бошлаган. Бугун аҳолининг торф қатламли ҳудудлар устида ва яқинида яшаётгани ўз таъсирини ўтказмоқда. Аҳолининг оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиши оқибатида мазкур ҳудудларда ер ости ёки торфли ёнғинлар тез-тез юз бермоқда. Бундай ёнғинлар бир неча метрдан иборат бўлган ер остида содир бўлиб, ташқарига ҳавф солмайди. Шунга қарамай, улар ер остида ўсимлик ҳамда дарактлар илдизига жиддий зарар етказишади. Фақат ҳавога кўтариладиган тўғандан ёнғин юзага келганини пайқаш мумкин. Торфли ўрмон ёнғинлари нисбатан секин ҳаракатланади: бир суткада бир километр масофага зарар етказиши мумкин. Баъзан қиш бўйи қор остида ҳам ер ости ёнғинлари рўй беради. Бунинг сабаби торф кислородсиз муҳитда ёнади, сув эса унга деярли таъсир этмайди. Шунинг учун ҳам бундай ёнғинларни ўчириш нихоятда қийин.

КИМ АЙБДОР?..

Бироқ бугунги кунда ўрмон ёнғинларининг аксарияти сабабчиси — инсон. Бу, дейлик, ёниб турган папирос қолдигини ташлаб юбориш ёки саёҳат пайтида гулканни ёниқ қолдириб кетиш оқибатида ҳам юзага келмоқда. Бироқ кенг кўламли ёнғинлар асосан ўрмонларни атайлаб ёқиш туфайли рўй беради. Гап шундаки, баҳорда қорлар эриб бўлган, қишлоқ аҳолиси қовчираб қолган эски ўтлар, хас-хашак ҳамда зараркундалардан халос бўлиш мақсадида ерга атайин ўт қўймоқда. Бироқ бундай ёнғинлар таъсирида нафақат эски хас-хашак ёниб кетмоқда, балки бу орқали тупроқнинг органик хусусиятлари ва унумдорлиги ҳам жиддий зарар етказилмоқда. Қолаверса, баъзан ёнғин мўлжалланган чегарадан ўтиб қўшни ўрмонларга ёйилиб кетиши оқибатида аҳоли уни ўчиришга имкон топа олмай қоляпти. Ёнғинларнинг аксарияти кўтарувчилар ва техника воситалари етиб бориши қийин

бўлган олис ҳудудларда юзага келмоқда. Бу эса фалокат кўламини янада кенгайтириб, инсонлар ўлими ва жароҳати билан боғлиқ салбий оқибатларга олиб келмоқда, мамлакатлар иқтисодига катта зарар етказмоқда. Боз устига ёнғиндан кўтариладиган заҳарли тўтун жонивор ва қўшларнинг табиий яшаш жойларини ўзгартиришига сабаб бўляпти.

Ўтган асрдаги энг йирик ўрмон ёнғини 1982 йил сентябрда Индонезиянинг Калимантан оролининг шарқий қисмида содир бўлган. Ёнғин ўн ой давом этган ҳамда 1983 йилнинг июлида уни ўчиришга муваффақ бўлинган. Ёнғин оқибатида 8 минг квадрат километрли ўрмон ёниб кул бўлган, оролининг жами 36 минг квадрат километр майдони жиддий зарар кўрган. Оқибатда ўсимликларнинг бир неча тури, шунингдек, оролда яшовчи жониворлар — маймун, олмахон ва бир қанча тур қўшлар қирилиб кетди. Бу, ўз навбатида, орол микроклими ва қишлоқ ҳўжалиги ҳосилдорлигига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Узоқ муддат давом этган ёнғин атмосферада катта миқдорда тўтун йиғилиб қолишига олиб келди.

ГЛОБАЛ ИСИШНИНГ ЎРМОНЛАРГА ТАЪСИРИ

Сўнгги йилларда сайёраимизда кузатилаётган глобал исийш жараёни ҳам ўрмон ёнғинлари келиб чиқишига олиб келмоқда. 2013 йилнинг 11-13 ноябрь кунлари Россиянинг Новосибирск шаҳрида "Ўрмон ёнғинлари ва иқлим ўзгаришлари. Евроосиёнинг табиий ва экин ерларида ёнғинларни бошқариш муаммолари" мавзусида ўтказилган халқаро анжуманда россиялик олимлар билан бир қаторда Осие, Европа ва Американинг таниқли экспертлари ҳам иштирок этиб, иқлим ўзгаришларининг дунёда содир бўлаётган ўрмон ёнғинларига таъсирини муҳокама қилишди. Мазкур анжуманда Ўрмон ёнғинларини глобал мониторинг қилиш маркази раиси Йохан Голдамер шундай фикр билдирди: "Иқлим ўзгаришлари туфайли ўрмон ёнғинлари инсониятга мисли кўрилмаган талофатлар келтириши мумкин. Қўроқчилик мавсумининг ҳаддан ташқари қўзилиб кетиши торфли ботқоқларнинг қуриб қолишига ҳамда ер ости ёнғинлари келиб чиқишига сабаб бўлади. Қолаверса, қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга кўчиб бориши билан боғлиқ урбанизация жараёнларининг кучаяётгани қишлоқ ҳўжалик ерларининг назоратсиз қолишига, ўрмон ёнғинлари келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Ўрмонлар ҳамisha химояга муҳтож. Зеро, улар сайёраимиз иқлим мувозанатини ҳамда биологик хилма-хилликни сақлашнинг асосий омилдир".

Иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ ёнғинлар, айниқса, катта ўрмон ресурсларига эга, бироқ ўт ўчириш инфратузилмаси яхши йўлга қўйилмаган Россиянинг Сибир ўлкасида кўп кузатишмоқда. Бу ерда сўнгги 25 йил ичида 12 миллион гектар ўрмон ёнғиндан зарар кўрди. Биргина 2012 йилда мазкур ҳудуддаги 1,4 миллион гектар ўрмонда 8,5 минг ёнғин қайд этилган.

ТАЛОФАТЛАР КўЛАМИ: КўПИМИ Ё КАМ?

Австралидада жорий йил январь ойи бошида ҳаво ҳарорати кескин кўтарилиб, қирқ даражадан ошди. Бу эса мамлакатнинг Виктория ҳамда Жанубий Австралия штатларида жорий йил бўйича илк йирик ўрмон ёнғини келиб чиқишига сабаб бўлди. Ўн бир минг гектар ўрмонга зарар етказган мазкур ёнғин мамлакат тарихида сўнгги ўттиз йил ичидаги энг кўп талофат келтирган табиий офат сифатида баҳоланди. Ёнғин оқибатида 46 турар жой ёниб, кулга айланди.

Чилида содир бўлган ёнғин ҳам талофатлар кўлами жиҳатида "Лшил китъа"ниқидан қолишмади. Унинг оқибатида бир киши ҳаётдан кўз юмди, 33 киши тан жароҳати олди. Офат 500 гектар ўрмоннинг кулини кўкка совурди. Май ойида Канада-



нинг шимоли-шарқида жойлашган Альберта вилоятида юз берган ёнғин оқибатида эса нефть қазиб чиқарувчи уч компаниянинг юзлаб ишчилари эвакуация қилинди. "MEG Energy" ва "Cenovus Energy" компаниялари нефть ишлаб чиқариши тўхтатиб қўйди. "Statoli" компаниясининг 110 ишчиси хавфсиз жойларга кўчирилди. Табиий офат оқибатида Атабаска нефть конларида қазиб олинаётган қора олтин миқдори 230 минг баррелга тушиб қолди. Бу шу кунгача бу ердан қазиб олинаётган нефтининг атиги 9 фоизини ташкил этмоқда. Июнь ойи охирида эса АҚШнинг Вашингтон штати марказида юз берган ўрмон ёнғинлари 1 минг 600 гектар майдонга талофат етказди. Оқибатда 20 дан зиёд уй ёниб кетди, 200 киши хавфсиз жойларга кўчирилди. Боз устига заводларнинг бирида аммиакнинг оқиб кетиши мазкур ҳудуд экологиясига жиддий зарар етказди.

Россия Федерацияси ҳудудининг 22 фоизи, яъни 1,2 миллиард гектар ер майдони ўрмонлардан иборат экани уларни жиддий назорат қилиши тақозо этади. Шу боис мамлакатда ўрмон ҳўжаликлари мониторингини юритувчи бир қатор ташкилотлар мавжуд. Улардан бири — "Ахборот тизими мониторинги" бўлиб, у сунъий йўлдош орқали мамлакатдаги ўрмон ва торфли ёнғин сабабларини ўз вақтида аниқлаш, келиб чиқиш омилларини таҳлил этиш, уни бартараф этиш тизимини ишлаб чиқиш ҳамда ёнғин бартараф этилганидан сўнг ўрмон ҳўлатига баҳо бериш билан шўғулланади. Шунга қарамай, ўтган йили Россияда 17 мингдан зиёд ўрмон ёнғини қайд этилган. Мазкур ёнғинларнинг аксарияти, аниқроғи 76,7 фоизи антропоген омиллар туфайли юзага келган. Бу 2013 йилга қараганда 1,1 фоизга кўп. Мамлакатда юз берётган ёнғинларнинг 90 фоизини пастки ёнғинлар ташкил этади. Мамлакат ҳар йили табиий офат туфайли ўртача 20 миллиард рубль зарар кўрмоқда.

Жорий йилда Россияда 834 ўрмон ёнғини содир бўлди, оқибатда 203 минг гектар ер майдони зарар кўрди. Россияда кузатишган ўрмон ёнғинлари қўшни мамлакатлар — Хитой ҳамда Мўғилистонга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Апрель ойида Забайкалье ўлкасида юз берган ўрмон ёнғинлари оқибатида Фавкуллада ҳолат жўрий қилинди. Ёнғин оқибатида Забайкалье экологияси кескин омонлашди, атмосферага катта миқдорда тўтун кўтарилди, 3 киши ҳалок бўлди, яна 20 киши турли даражадаги тан жароҳати олди. Хақасияда эса ўрмон ёнғинлари март ойининг охиридан бошланган бўлса, орадан 10-15 кун ўтиб катта ҳудудни қамаб олди. Ёнғиндан Хақасиядаги 20 аҳоли пунктдаги 1,3 минг турар-жой зарар кўрди, 29 киши ҳаётдан кўз юмди. Қолаверса, яқинда мамлакатнинг шарқий қисмида яна 12 ўрмон ёнғини келиб чиқди. Ёнғиндан узоқ шарқ ҳудудида жойлашган бир қанча вилоятлар жиддий зарар кўрди.

Дунёнинг турли минтақаларида содир бўлаётган ўрмон ёнғинлари оқибатида экология, иқтисодиёт ва инсон саломатлигига катта зиён етмоқда. Ўрмонлардаги турли дарактларнинг кесилиши биосферадаги барқарор мувозанат ҳолатини издан чиқариб, экологик ҳалокат хавфини кучайтирмоқда. Янги ерларни ўзлаштириш, ёнғинлар оқибатида атроф-муҳит ифлосланиши ўнлаб турдаги ўсимликлар ном-нишонсиз йўқолиб кетишига олиб келмоқда. Биламизки, ҳар бир жонзот, ўсимлик ва дарактнинг табиатида ўз ўрни ва вазифаси бор. Шундай экан, табиатнинг бебаҳо ва беминнат бойлиги бўлган ўрмонлар, унда яшовчи ҳайвонот ва ўсимликлар олами асраб-авайлаш инсоният олдидаги долзарб ҳамда кечиктириб бўлмаб вазифа бўлиб қоляверади.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Фалокат оёқ остида

АҚШнинг Фриско шаҳрида тез ёрдам вертолётни ҳалокатга учради.

Гувоҳларнинг ҳабаб беришича, вертолёт тиббиёт марказидан ҳамаси 30 метр баландликка кўратилган, мувозанатини йўқотиб, маҳаллий автотўрағоҳдаги юк машинаси устига қулаган ва ёнғин келиб чиққан. Воқеа жойига етиб келган ўт ўчирувчилар ёнғинни бартараф этишга муваффақ бўлди. Фалокат оқибатида тез ёрдам кўрсатиш хизмати ўчувчиси ҳалок бўлди. Вертолёт бортида бўлган шифокор ҳамда ҳамшира жароҳат олди. Фалокат сабаблари ҳозирча номаълум. АҚШ Федерал авиация бошқармаси воқеа юзасидан суриштирув олиб бормоқда.



Мўлжалдаги масофа забт этилди

Япониянинг Нагоя шаҳридан йўлга чиққан қуёш батареялари воситасида ҳаракатланувчи "Solar Impulse 2" самолёти Тинч океанидан учиб ўтиб, Гавайи оролига қўнди.




62 ёшли швейцариялик учувчи Андре Боршберг бошқарган самолёт тўрт кун ичида 8, 2 километр масофани тўтасиз учиб ўтишга муваффақ бўлди. Самолёт кундузи 9, кечаси эса 3 минг метр баландликда, соатига ўртача 70 километр тезлик билан ҳаракатланган. Бу билан "Solar Impulse 2" энг узоқ масофани забт эта олган "қуёш самолёти" сифатида гиннесснинг рекордлар китобига киритилди.

Эслатиб ўтамиз, "Solar Impulse 2" самолёти дунё бўйлаб парвоз этиш учун 9 март кунини Абу Даби шаҳридан йўлга чиққан эди.

Энг юқори ҳаво ҳарорати кузатилди

5 июль кунини Германиянинг Китцинген шаҳрида ҳаво ҳарорати Цельсий шкаласи бўйича 40,3 даражага етди.

Бу Германия тарихида кузатилган энг иссиқ ҳароратдир. Бундан аввалги рекорд 2003 йилда қайд этилган бўлиб, ўшанда энг юқори ҳаво ҳарорати 40,2 даражани ташкил этган. Жазирама туфайли поездларнинг совитиш тизимлари ишдан чиқмоқда, баъзи темир йўл қатновларини кечиктириш ёки қолдиришга тўғри келмоқда. Бундай ҳарорат автомобиль йўлларига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Баъзи йўлларда йирик ёриқлар пайдо бўлган. Жазирамадан халос бўлиш илинжида аҳоли кўпроқ сув хавзаларида қўнм топмоқда.



Рангин дунё

Италияда сайёҳлар эътиборини тортадиган шаҳарлар кўп. Бироқ Милан ўзининг мафтункорлиги, диққатга сазовор жойларнинг кўпчилиги жиҳатидан улар орасида яққол ажралиб туради. У катталлиги жиҳатидан мамлакатдаги иккинчи йирик шаҳар: майдони 182 квадрат километр, аҳолиси 4,5 миллион киши.

Милан Аппенин ярим оролидаги энг қадимий шаҳарлардан биридир. У эраимиздан аввалги V-IV асрларда галлар томонидан бунёд этилган. Милан лотин тилида "ўрта" деган маънони англатади. Сабаби шаҳар географик жиҳатдан мамлакатнинг шимолий қисмининг қоқ марказида

жойлашган. Милан стратегик муҳим шаҳар бўлгани учун ўз даврида иккинчи Рим сифатида ҳам улуғланган.

Шаҳардаги энг машҳур жой — бу Модалар даҳасидир. Бозор-ўчар қилишни ёқтирадиган сайёҳлар бу ерга келишни ҳўш қўришади. Чунки мазкур даҳада мухта-

Санъат ва модалар шаҳри

шам кийим-кечак дўконлари жойлашган. Бу ердан туриб шаҳарнинг "юраги" бўлиши Дуомо майдони ҳамда Санта Мария Нашенте ибодатхонасини томоша қилиш мумкин. Ибодатхонадан бир неча қадам узоқликда нафақат Европа, балки бутун дунёга машҳур "Ла Скала" опера театри жойлашган. Мазкур театр 1778 йилда қурилган. Ла Скала театри Италия маданияти ва санъати ривожига алоҳида ўрин тутди. Унга қанчадан-қанча дунёга машҳур операчилар ташриф буюрган.

Шаҳарнинг Марказий даҳаси ҳам сайёҳларни бефарқ қолдиришмайди. Бу ерда италян модаси шарафига ип ва нана акс эттирилган рамзий ёдгорлик ўрнатилган бўлиб, у "Monumento alla Moda" деб аталади. Навильи ҳам Миланнинг кўркам даҳаларидан саналади. Навильи ўзбек тилида "каналлар" маъносини англатади. Ўрта асрларда Миланда ҳам Венециядаги каби каналлар бўлган. Каналларни лойиҳалаштириш ҳамда чизмасини ишлаб чиқишда Леонардо да Винчи ҳам иштирок этган. Каналлардан сув ичиш, кир ювиш, юкларни ташийш мақсади-

да фойдаланилган. Бироқ ўтган асрнинг бошларида уларнинг бир қисми қўмиб юборилган, бир қисми эса ёпиб қўйилган. Ҳозирги кунда каналлардан фақат иккитаси сақланиб қолинган, холос. Шаҳарнинг мафтункор даҳаларидан бири бўлган Дарсенана мамлакат бўйича катталлиги жиҳатидан ўнчинчи ўринда турадиган дарё порти жойлашган. Дарсенана кўркам ресторан ва тамадхоналари билан машҳур. Қолаверса, бу ерда "Mercato Comunale" бозори ҳам жойлашган.

Шаҳарнинг Сант Амборджио даҳасида эса ўрта асрларга оид қадимий архитектура намуналарини томоша қилиш мумкин. Улардан бири Муқаддас Амвросия базиликасидир. Базиликанинг орқа томонида Италиядаги йирик ва нуфузли олий ўқув юртидидан бири — Милан университети жойлашган. Ибодатхона яқинидаги Леонардо да Винчи номидидаги Фан ва техника миллий музейига ҳар йили минглаб сайёҳ ташриф буюради. Музейда уйғониш даврининг йирик намоёндалари ижодига мансуб машҳур асарларни томоша қилиш мумкин. Мазкур да-

ҳада Леонардо да Винчи ва унинг шогирдлари шарафига ёдгорлик ҳам ўрнатилган.

Порта Романа даҳаси шаҳар маркази яқинида жойлашган. Бу ердаги энг кўзга қўринадиган иншоот — бу 1596 йилда "Medaglia D'Oro" майдонида қурилган Порта Романа арки. Нуфузли Боккини университети ҳам шу ерда жойлашган. Порта Венеция даҳасида эса Италиянинг энг таниқли дизайнерлари ишлаган, дунёга машҳур бренд маҳсулотлар — кийим-кечаклар, оёқ кийимлар сотиладиган дўконлар харидорларга сифатли хизмат кўрсатиб келади. Шаҳарнинг "Giardini Pubblici" хиёбони эса ҳамини гавжум. Тичинезе даҳасида жойлашган кичик унгармаңчилик расгаларидан эсдалик учун турли буюмлар харид қилиш мумкин. Наполеоннинг Маренго шаҳарчаси бири — Милан университети жойлашган. Ибодатхона яқинидаги Леонардо да Винчи номидидаги Фан ва техника миллий музейига ҳар йили минглаб сайёҳ ташриф буюради. Музейда уйғониш даврининг йирик намоёндалари ижодига мансуб машҳур асарларни томоша қилиш мумкин. Мазкур да-



қизикувчилар Брера даҳасига ташриф буюришлари мумкин. Бу ерда бир хил ном билан юритиладиган Брера пинкотекасида ўз даврининг машҳур мусавирлари — Рафаэль Санти, Рембрант, Эль Греко, Ван Дейк, Караважо ижодида мансуб асарлар ўрин олган.


Семпионе шаҳарининг номдор даҳаларидан бири бўлиб, бу ерда бир хил ном билан юритиладиган шоққўча ҳамда хиёбон жойлашган. Айниқса Жаҳон арки шаҳарга ўзгача салобат бағишлайди. Мазкур тарихий иншоот яқинида Семпионе хиёбони жойлашган бўлиб, бу билан Миланнинг "модалар шаҳри" ҳам дейишади.

дейиш мумкин. Хиёбоннинг сўлим табиати, ям-яшил дарактлари, қийёқ очилган гуллари ҳар бир сайёҳни ўзига мафтун этиши шўбҳасиз. Милан — Италиянинг сановат ва иқтисодий маркази. Шаҳарда "Альфа Ромео", "Перелли" каби дунёга машҳур корпорацияларнинг штаб-квартиралари жойлашган. Бу ерда йирик Мальпенса халқаро аэропорти ҳамда мамлакатдаги энг замонавий метрополитен мавжуд. Шаҳарда мунтазам равишда нуфузли мода кўргазмалари ташкил этилади. Шу боис Миланнинг "модалар шаҳри" ҳам дейишади.

Мозийдан садо

Уйғонган тарих жилваси

буни Термиз археология музейи тимсолида яққол кўриш мумкин




Муствақиллик йилларида мамлакатимиз музейлари халқимиз тарихи, маданияти, санъати ва қадриятлари акс этган чинакам маънавият масканига айланди. Буни Термиз археология музейи фаолияти тимсолида ҳам кўриш мумкин. Зеро, Сурхондарё воҳасининг қадим ёдгорликларини, асрлардан садо бергучи археологик осоратқиларни ўзида жо этган мазкур музей кишини инсоният тамаддунининг энг кўҳна қатлари сари бошлайди.

таётган одам тасвири аниқ кўринади.

Кўргазма залларидан ўрин олган мана шундай осори-атиқалар исталган томошабинни ҳайратга солиши тайин. Томоша залининг марказида вилыянинг археологик ёдгорликлар харитаси жойлашган. Белги-ланган ёдгорликлар сони шу қадар кўпки, уларда ҳали қанчадан-қанча тарихий сир-сино-атлар яширин эканини англаш қийин эмас. Хаританинг рўпарасида қад рослаган Кўҳна Термиз қалъасининг қайта тикланган нусхаси томошабинни кўҳна "Жануб дарвозаси"га етаклайди. Термиз тарихини ўрганиш гўё шу дарвозадан бошланган-дек. Замонавий жиҳозланган кенг ва ёрۇғ кўргазма заллари милодга қадар юз минг йилликдан тортиб, то XIX асрга қадар бўлган даврдан хабардор этади. Тешиктошдан топилган неандертал боланинг бости, тош даври маданиятини намоеён этувчи Холчаёндан топилган жангчи ҳайкали, Фаёзтепадан аниқланган ибодат маросимлари бажариладиган тош ҳовуз, Кўҳна Термиздан топилган оқ тошдан ўйиб ишланган фил тасвири, Қоратепада аниқланган Будда ҳайкали... Бу осори-атиқаларнинг ҳар бири улкан тарих китобининг зарваракларидир.

— Кўргазма залларидаги экспонатлар орасида, айниқса, тош ва сополдан ясалган ҳайкаллар кишини ўзига мафтун этади, — дейди Азизбек Тошпўлатов. — Турли даврларда яшган буюк ҳукмдорлар, маликаю жангчилар қиёфаси ифодаланган ушбу санъат намуналарининг маҳобати ва гўзаллиги юнонларнинг машҳур ҳайкалларидан сира қолишмайди. Аксинча, улар орасида ўзига хос уйғунлики кўриш мумкин. Кушон даври маданиятига бағишланган залда Далварзинтепадан топилган машҳур ҳайкал нусхаси эътиборини тортди. Бу ҳайкал Кушон шаҳзодаси бўлиб, унинг қиёфаси сокин, кўзларида болаларча беғуборлик, юзида ним табассум тасвирланган. Тўғриси, унинг бир кўринишини ўзига, яна бир қиёфасини жўрамга ўхшатдим. Яна музейни айланар эканман, тарихимиз қанчалик бойлигини ҳис қилдим.

Музей директори З.Алимардонованинг айтишича, Кушон подшоҳлари ҳукмронлик қилган асрлар Сурхондарё тарихидаги ўзига хос олтин давр ҳисобланади. Воҳода санъатнинг деярли барча тури, айниқса, ҳайкалтарошлик, меъморлик, хунармандлик, заргарлик юксак даражада ривожланган. Антик маданият тараққиёти янги паллага кўтарилиб, турли аъналар уйғунлашуви юз берган. Буни деворларда ишланган оддий нақшлардан тортиб, маиший турмуш буюмлари, танга ва тақинчоқларда ҳам кўриш мумкин. Бир қарашда бу даврга оид топилмаларнинг асосий қисми сарой муҳитига дахлдор-



дек туюлади. Бироқ уларга синчиклаб назар солинса, воҳа усталари турли халқлар санъати оид тажрибалар асосида ўзига хос мактаб яратишга эришгани намоеён бўлади.

Термиз археология музейига ташриф буюраётган томошабинлар мисолида маданиятлар мулоқоти бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганини кўраемиз. Меҳмонлар орасида дунёнинг турли мамлакатларидан келган кўплаб сайёҳларни, тадқиқотчи олимларни учратиш мумкин. Улар музей залларини катта қизиқиш билан томоша қилишга тгани ҳайрат-ҳавас муҳрланган нигоҳларида мужассам.

Мехмонлар китоби" эса бу таассуротларнинг гўзал ифодаларига тўла. Жумладан, Ҳиндистондан "Бахаратия жаната" партиясининг ташқи алоқалар бўйича кординатори Вижай Жолли "Музейни айланар эканман, юртингиз азалдан юксак цивилизация ўчоқларидан бири эканлигига яна бир бор амин бўлдим" деса, россиялик музейшунос Тигран Мкртчичев "Инсоният тамаддунининг бешиги саналган Марказий Осиё худудиди ягона археология музейини тарихнинг юрагига қиёслаш мумкин" дея таъкидлайди...

Термиз археология музейи сўнги йилларда экотуризмни ривожлантириш, хорижлик сайёҳларни воҳага жалб этиш мақсадида турли кўргазмаларни уюштириб келмоқда. Қолаверса, музей халқаро туристик ярмаркаларда ҳам фаол иштирок этмоқда. Зеро, музейнинг асосий мақсади юрт тарихини чуқур ўрганиш, Ўзбекистоннинг дунё тамаддунига қўшган ҳиссасини тарихий ашёлар мисолида кўз-кўз қилиш ва шу орқали воҳанинг сайёҳлик салоҳиятини оширишдан иборат.


Дилфуза РЎЗИЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири



Ушбу суратлари.

— Муствақиллик маҳсули саналган ушбу маданият муассасасининг ташкил этилганга энди ўн уч йил тўлди. Бу эса жаҳон музейшунослиги тажрибасида жуда қисқа фурсатдир, — дейди музей директори Зебунисо Алимардонова. — Бироқ шу қисқа даврда, экспонатларимиз сони 84 мингдан ошди. Улардан 26 мингга яқини нумизматика фондига тегишли. Шунингдек, музейда умумий фонди 17 минг нусхадан зиёд ноёб илмий кутубхона ва замонавий киреоатхона зали мавжуд. Музей фондидаги экспонатларнинг ортиб бораётганида воҳада ўтказилаётган қатор экспедицияларнинг ҳиссаси катта. Жумладан, ўзбек-француз Бақтрия археологик экспедициясида 700 дан ортиқ археологик ёдгорликлар аниқланган. Улардан бири бронза асрга

Ёзнинг жазирамасида муздек тарвуз чанқоқ босади. Бу полиз маҳсулоти таркибида темир моддаси, фоллий кислотаси, В гуруҳи витаминлари, С витамини (аскорбин кислотаси), фруктоза, мағний, ишқорлар мавжуд. Витамин ва минерал моддаларга бой тарвуз организмда моддалар алмашинувини яхшилайди, қабзиятнинг олдини олади.



Тарвуз гепатит(жигар хасталиги)да энгил ўт ҳайдовчи восита сифатида қўлланилади. Сийдик йўллари ва қовуқ яллиғланганда кучли пешоб ҳайдайди. Буйрак ва сийдик йўлларидаги тош, туз ва қумни майдалайди. Камқонлик, метаболик артрит, подагра, семизликда ҳам тарвуз тановул қилиш фойдалидир. Кунига 150 грамм тарвуз истеъмол қилиш соғлом организмнинг мағний моддасига бўлган талабини қондиради. Юрак қон-томир касалликлари ва гипертония (хафақон) хасталигида беморларнинг тарвуз тановул қилишлари мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, сийдик ажратиш тизими учун ҳам фойдали хусусиятга эга. Шифокорлар буйрак ҳамда цистит(қовуқ яллиғлиниши) каби касалликлар хуруж қилганда кўпроқ тарвуз истеъмол қилишни тавсия этишади.

Бир кунда яхши пишган 2 килограмм тарвузни истеъмол қилиш мумкин. Икки стакан тарвуз шарбатига бир чой қошиқ табиий, тоза асал аралаштириб ичиш кайфиятни кўтаради. Пўчоги пешоб ҳайдаш хусусиятига эга. Тарвуз таркибидаги фоллий кислотаси организмда ёғлар алмашинувида ихобий таъсир этади. Худди қовун каби тарвузнинг 100 граммига 38 килокалория мавжуд. Шу сабабли у тановул қилган кишини тўқ тутади ва семизликнинг олдини олади. Халқ табиотида тарвуз этидан косметология воситаси сифатида фойдаланиш мумкин. Унинг эти юз, қўл ва оёқлар терисини парвариш этишда кенг қўлланилади. Бунинг учун яхши пишган тарвуз эти чини идишга солиб эзилади ва терига суртилади. Орадан 20-30 дақиқа ўтган, бу табиий ниқоб илик сувда ювиб ташланади. Бундай ниқобдан ҳафтада бир неча марта фойдалансангиз, терингиз озиқланади, таранг, силлик ва майин бўлиб, ёшарганини ҳис этасиз. Аммо қандли диабет, сурункали ичак хасталиги мавжуд беморлар, шунингдек, ҳомилдорликнинг охириги уч ойида танасида шиш пайдо бўлган бўлажак оналарга тарвуз истеъмол қилиш тавсия этилмайди. Тарвуз тановул этишдан 2-3 соат олдин истеъмол қилинган аччиқ ва шўр маҳсулотлар организмда ортиқча суюқлик тўпланишига сабаб бўлади. Бу, ўз навбатида, юрак ва буйракни зўриқиб ишлашга мажбур этади.

БИЛАСИЗМИ?

- Ойда босим Ерга нисбатан қарийб 6 баравар кучсиз. Юпитерда эса Ергага қараганда 2,5 баравар кучли. Бундай шароитда ўн килолик тош бизга 25 килограммдек туюлади.
- Саккизоёқнинг қони — кўк рангда, кўз қорачиғи — тўртбурчак шаклда.
- Юз квадриллионда 17 ноль бор.

ТУРФА ОЛАМ

Илк "қуёшли" поезд

Ҳиндистонда қуёш панеллари воситасида ҳаракатланган поездни ишлаб чиқаришга киришилди.

Мазкур поездни бир неча йил ичида ишга тушириш мўлжалланмоқда. Айни пайтда мазкур лойиҳа устида вагонлар ишлаб чиқарувчи завод (Integral Coach Factory) ҳамда Ченнай шаҳридаги Ҳиндистон технология институту филиали ҳамкорлигида иш олиб борилмоқда. Ушбу лойиҳа мамлакат транспорт тизимининг ер ости фойдали казилмаларига бўлган эҳтиёжини камайтиришга хизмат қилади. Лойиҳада қуёш панелларини ҳар бир вагонга ўрнатиш назарда тутилган. Қуёш панеллари биринчи босқичда поезднинг электр қувватига бўлган эҳтиёжининг 15 фоизини таъминлаши керак. 2016 йилда Мадхья-Прадеш штатида 750 мегаватт қувватга эга дунёдаги энг катта қуёш электр станциясини фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Ҳукумат қуёш панелларидан олиннадиган электр қувватини 2022 йилга бориб 100 гигаваттга етказишни мўлжалламоқда. Ҳиндистон иқлими мамлакатда қуёш энергетикасини ривожлантириш учун яхши имконият яратади. Боиси мамлакатда йилнинг ўртача 300 кун қуёшлидир.



ИТ ЭМАС, АЙК ЭКАН

Хитойнинг Юньнань вилыотида истиқомат қилувчи фермер Ван Кайюй икки йил давомида "итлар" деб боқабтган жониворлари аслида Ҳимолай айиқлари эканини пайқаб қолди.

Гап шундаки, у икки йил аввал Вьетнам чегараси яқинида банан етиштириш билан шуғулланганда савдогардан иккита ит боласини сотиб олган. Фермер сўзларига қараганда, "итлар" икки йил давомида ўзларини яхши тутишган, фақат уларга икки ҳисса кўпроқ овқат беришга тўғри келган. Вақт ўтиб, улар бу овқатга ҳам қаноат қилмай, фермернинг товукларига ҳужум қила бошлаган. Кунларнинг бирида фермер ёввойи ҳайвонларни, хусусан, қора айиқларни муҳофаза қилиш ҳақидаги плакатга қўзи тушиб қолади. Ушанда Ван Кайюй итларни эмас, балки камёб Ҳимолай айиқларини боқабтганини англайди. Фермер ёрдам сўраб ўрмон хизматиға мурожаат қилди. Ўрмон хизмати ходимлари айиқларни олиб кетди. Ёввойи ҳайвонларни ҳимоя қилиш маркази вакилларининг хабар беришича, бири эркак, бири урғочи бўлган айиқлар айни пайтда ўзларини яхши ҳис этишмоқда.



Ш.ФАФФОРОВ тайёрлади

ЎзМТДП Сурхондарё вилыот кенгаши партиядан сайланган халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгаши депутати **Эломон БОЛТАЕВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ёшлар фестивали

"Юксак маънавиятли авлод"

фестивали доирасида ўтказилган кўрик-танловларда ёшлар ўз иқтидорини намоиш этди

Мамлакатимизда тасвирий санъатни изчил ривожлантириш, унинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ананаларини асраб-авайлаш ва янада раванқ топтиришга алоҳида аҳамият қаратилаёттир. Шу мақсадда ташкил этилаётган қатор кўрик-танлов ва фестиваллар ёшлар қалбига тасвирий санъатга, Ватанга, табиатга муҳаббат, гўзалликка ошуфталик туйғуларини муствақамлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.



Бу галги "Юксак маънавиятли авлод" фестивали ҳам мана шундай эзгу гоёларни дилига туккан ёшларнинг истеъдоди, санъатини намоиш этишларида кенг имконият яратди. Республика Маънавият тарғибот маркази Олий ва ўрта мах-



Ушбу суратлари.

Кўрик-танловнинг иккинчи кунинида пойтахтимиздаги "Ёшлар ижоди саройи"да иштирокчиларнинг ижодий асарлари кўргазмаси намоиш этилди. Улар орасида, айниқса, фарғоналик Азизжон Турсуновнинг гипс ва пластилиндан ишланган, устига бронза билан ишлов берилган ҳайкалтарошлик намуналари кўпчилигининг эътиборини тортди.

— Уч йилдан буён шу хунар сирларини ўрганаётганман, — дейди ёш ҳайкалтарош. — Кўрик-танловга "Муътабар она", "Нафосат", "Эзулик қуши", "Карвон" ва "Шум бола" каби асарларини тақдим этдим. Кўргазма жараёнида Азизжон фестивал учун махсус "Юксак маънавиятли авлод" композициясини яратди. Ёш ҳайкалтарош қўлида аста-секин қиёфага кириб борган санъат асарига байроғимизни баланд тутаетган бахтиёр болалар сиймоси акс этди. Улар шундоқ кўз ўнгимизда, ижодкор тасаввур ва тафаккур

этангидек, она юртимизнинг юксак маънавиятли авлоди қиёфаси гавдаланди.

— Мафқуравий таҳдидларга қарши юксак маънавият ва маърифат билан курашиш асосий мақсадларимиздандир, — дейди Республика Маънавият тарғибот маркази етакчи мутахассиси Шарофиддин Хонимов. — Бугунги кўрик-танловдан мақсад ҳам иқтидор эгаларини рағбатлантириш, аҳоли, айниқса, ёшларимизни асл санъат билан таништириш, "оммавий маданият" ниқоби остида кириб келаётган ёт гоёлардан асрашдир.

Кўргазма зали ёш ижодкорларнинг бетакрор ижод намуналарига бой бўлди. Наманганлик Алижон Валижоновнинг оддий лойдан ясалган қулоччилик буюмлари, самарқандлик Исмоил Зоҳидовнинг каштачилик, қуроқчилик ва қадимий оқ-қора атласдан ажиб уйғунликда ишланган коллекцияларни йиғилганларни ўзига мафтун этади. Уларни кузата туриб яна бир бор миллий хунармандчилигимизнинг нақадар ранг-баранглиги ва бетакрорлигини ҳис этасиз.

Фестивалда "Бадий ижод", "Президент асарлари билимдони", "Муствақиллик тарихи билимдони", "Энг иқтидорли хунарманд", "Ўз асарларида миллийликни акс эттирган rassom", "Ўз асарларида миллийликни акс эттирган дизайнер", "Ватан куйчиси", "Юксак маънавиятли авлод" каби номинациялар бўйича голиб ва совриндорлар аниқланди.

Фестиваль доирасида малакали мутахассисларнинг маҳорат соҳаблари, семинар-тренинглари, таниқли актёрлар ва санъаткорлар билан учрашувлари, ёш ижодкорларнинг ижодий ишлари кўргазмаси ташкил этилди.

Дилфуза ТОШТЕМИРОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

VATAN TUG'USI HAR NARSADAN USTUN

MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: «МАТБҮОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Сувон НАҲБИДДИНОВ, Муҳаммаджон КУРОНОВ, Улугбек МУҲАММАДИЕВ, Акмал САИДОВ, Жалолиддин САФОЕВ, Рустам ҚОСИМОВ, Исмат ХУДОЕВРО, Эркин ДОРИПОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Асрлон ШИМУРДОВ

Бош муҳаррир: Бехзод НОРОБЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темуր кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Кабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2 «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба кунини чиқади. 2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Буюртма — Г 725, Адади — 5705. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Мухтарама КОМИЛОВА ISSN 2010-7714

Навбатчи: Аҳмад ЮСУПОВ

Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ

Электрон почта: e-mail: mtiklanish@mail.ru

Босишга топшириш вақти — 21.30.

Топширилди — 20.50.

4772010771003 123 5